



ijtimoiy-siyosiy gazeta

WWW.JIZZAXNEWS.UZ

E-mail: jizzax.haqiqati@yandex.com

2025-YIL 29-MART, SHANBA.

№ 27 (6592)

Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir!

haqiqati

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда "Инсон қадрини унун, инсон бахти учун" деган эзгу ғоя асосида амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар туфайли халқимиз фаровонлигини ошириш, кўпмиллатли жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва ҳамжихатликни мустақамлаш борасидаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Буларнинг барчаси бағрикенглик, саховат ва шукроналик тимсоли бўлган муборак Рамазон ойини мамлакатимизда тинч-тотув, файзли ва шукхли муҳитда ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни эл-юртимиз ўртасида инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, кам таъминланган ва эҳтиёжманд шахслар, ёрдамга муҳтож оилаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш каби юксак инсоний қасдлар аниқ кунларда янада яққол намоён бўлаётгани ҳам тасдиқлайди.

Улуғ айём — муқаддас Рамазон ҳайитини ана шундай хайрли ишларни изчил давом эттирган ҳолда ҳар томонлама муносиб кутиб олиш, ўтказиш ва унинг моҳиятида муҳасаб бўлган эзгу қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб этиш мақсадида қарор қиламан:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **30 март — яқшанба** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда 2025 йил **30 март** куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ:

а) ишланмайдиган байрам куни ҳисобланувчи Рамазон ҳайитининг биринчи куни 2025 йилда яқшанба —

дам олиш кунига тўғри келиши муносабати билан ушбу дам олиш куни 31 март — душанба кунига кўчирилиши;

б) бунда ишлаб чиқариш — техник ва ташкилий шароитлар (мавжуд узлуксиз ишлаб чиқариш, аҳолига ҳар кун хизмат кўрсатиш, навбатчилик асосида ишлаш ва бошқалар) туфайли ишланмайдиган байрам кунлари тўхтатиб қўйиш мумкин бўлмаган ишларни бажаришда дам олиш кунлари кўчирилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий химоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Рамазон ҳайитини халқимизнинг **миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда** ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм қўмитаси Транспорт вазири билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон ҳайити кунларида **мўтабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил этиш** мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 26 март

● ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Жорий йилнинг 28 март куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг еттинчи чақириқ саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, котибиат мудирлари, гуруҳ раҳбарлари, вилоятдаги бошқарма ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

Сессияни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Парда Шукуров очди. Сессияда депутатлар кун тартибидagi ўн та масалани кўриб чиқдилар.

Сессия кун тартибидан ўрин олган "Ёшлар муаммоларининг ҳал этилишига қўмаклашиш, ёш авлоднинг истеъдоди ва қобилиятларини ривожлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги масала юзасидан вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Акмал Савурбоев ҳисобот берди.

Вилоятда 341793 нафар ёшлар баланси шакллантирилиб, улар билан тизимли ишлар йўлга қўйилган. Хукукбузарлик ва жиноят қилишга мойил бўлган 2337 нафар ёшлар хукукни муҳофаза қилиш органларига бириктирилди. Жорий йилда меҳнат бозорига кириб келадиган 6690 нафар навқирон авлод вакиллари иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Ўтган йили хорижий давлатлардан қайтиб келган 1148 нафар ёшларимизнинг бандлиги таъминланган. 6978 нафар келажагимиз эгаларига ер ажратилиб, деҳқончилик қилишига шароит яратилган. "Ёшлар дафтари"га киритилган 8220 нафар навқирон авлод вакиллари ижтимоий-иқтисодий ёрдамлар берилди. "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг ўтган йилги мавсумига 500 мингдан зиёд ёшлар қамраб олинган бўлса, бу йил 750 минг нафар ёшларни жалб этиш кўзда тутилмоқда. Жорий йилда

ҳам "Ёшлар бандлик дастури" ишлаб чиқилиб, тизимли ишлар амалга оширилди. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинган. Жорий йилда ҳудудларда "Ҳоким ва ёшлар", "Раҳбар ва ёшлар" деб номланган учрашувлар ўтказилиб, ёшлар муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилиши белгиланган.

"Адлия бошқармаси томонидан вилоятдаги давлат органлари ва ташкилотларининг 2024 йилда норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳукукни қўллаш амалиёти, ҳукуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати тўғрисида"ги масала бўйича вилоят адлия бошқармаси бошлиги Акмал Эргашевнинг ҳисоботи эшитилди.

Вилоят адлия бошқармаси, унинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан ўтган йили ҳукукни қўллаш амалиётини ўрганиш бўйича бир қатор ишлар қилинган. 2024 йилда 1154 та муурожаатлар келиб тушган. Ушбу муурожаатларнинг 865 таси қаноатлантирилган, 247 тасига ҳукуқий тушуштириш берилган. Ўтган йили соҳада ҳукукни қўллаш амалиётини ўрганиш ва мониторинглар, муурожаатларни кўриб чиқиш натижасида 11774 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида 307 та тақдимнома киритилган, 1433 та ноқонуний ҳужжат бекор қилинган, 126 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Ўтган йили маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 192 та қарор лойиҳалари ҳукуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган бўлиб, уларнинг 125 тасига ижобий ҳулосалар берилган. 2024 йилда 2857 та ҳукуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилган. Жорий йилда вилоятдаги 309 та маҳаллада "Ҳукуқий тарғибот куни",

"Адлия куни" тадбирларини ўтказиш режалаштириляпти.

Шундан сўнг "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти вазифасини бажарувчи Жасур Болтаевнинг "Вилоятнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида ичимлик суви, электр ҳамда газ таъминоти тизимини яхшилаш борасида амалга ошириладиган ишларни ўрганиш ва натижасини муҳокама қилиш тўғрисида"ги, вилоят ҳокимининг ўринбосари — инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи Ўткиржон Мўйсиналиевнинг "Вилоятда "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонун ижроси таъминлаши ҳолати тўғрисида"ги, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, тадбиркорлини ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Акрам Раҳмонқуловнинг "Халқ депутатлари Зомин тумани Кенгашининг 2025 йил 27 февралдаги ВИИ-6-50-3-48-К/25-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида"ги, вилоят иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлиги ўринбосари Бехзоджон Ахмедовнинг "Вилоят бюджетининг қўшимча манбалардан фойдаланиш тўғрисида"ги масалалар юзасидан маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Шунингдек, депутатлар халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияларида муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармониغا асосан "Ўзбекистон — 2030" (5.2-банд) стратегияси ва уни бажариш бўйича амалий чора-тадбирлар ижроси, тегишли мақсадли курсаткичларга эришилиши ва улар доирасида норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқилиши тўғрисида"ги, "Жиззах шаҳар жамоат транспорт учун электробуслар харид қилиш ҳамда улар билан бевосита боғлиқ инфратузилмани яратиш"

концепция лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Жиззах шаҳрининг "Иттифок" МФЙ "Саройтепа" кўчасида жойлашган сартарошхона, савдо дўкони ва автобекат биноларининг қурилиш ости ер майдони ва унга туташ ҳудудни жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини олиб қўйиш бўйича тақдимот материалларини кўриб чиқиш ва мулкдор билан очиқ муҳокама ўтказишга рухсат бериш тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳузурида Ёшлар маслаҳат гуруҳини ташкил қилиш тўғрисида"ги масалаларни ҳам қизгин муҳокама қилдилар.

Сессия кун тартибидagi масалалар юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибиати мудирини Нодира Каримова, депутатлар Эркин Холматов, Нусуратулла Пардаев, Холлада Алимова, Элёр Тўрақулов, Фарҳод Одилов, Феруза Нигматова ва бошқалар сўзга қичиб, ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессия ишида қатнашган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зафар Азимов кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикрларини билдирди. Жумладан, у мамлакатимиз Президентини томонидан белгилаб берилган топшириқлар ва давлат дастурлари ижросини таъминлаш, вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш ва соҳа ривожини унун қилинаётган ишлар, маҳаллаларни обод қилиш, жорий йилга мўлжалланган янги лойиҳаларни рўйбга қиқариш, ёшлар бандлигини таъминлаш, туризм ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш масалалари ҳақида гапирди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг еттинчи чақириқ саккизинчи сессияси кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Васил ИЛЁСОВ.
("Жиззах ҳақиқати")

КЎРГАЗМА

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР — ИЛЛАТ ҚИЁФАСИ

Жиззах шаҳридаги Киберспорт аренасида **"Миллий либос — миллат қиёфаси — замонавий дизайнерлар нигоҳида"** мавзусида либослар кўргазмаси бўлиб ўтди. Илоҳий ҳокимлиги, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси, "Ёшлар — келажагимиз" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмага маҳаллалар фаоллари, "Оқила аёллар" ҳаракати аъзолари, маънавий тарғиботчилари, хунармандлар, олий таълим муассасалари талабалари ва уюлмаган ёшлардан иборат кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Дастлаб вилоят ҳокими ўринбосарлари Саҳобиддин Болиев, Гулнора Нормуродова ҳамда бир гуруҳ масъуллар кулолчилик, нақошлик, каштачилик, гиламдўзлик, зардўзлик каби ота-боболаримиздан мерос қолган касбларда фаолият юритаётган бир қатор хунармандлар билан яқиндан танишиб, қўл меҳнати билан яратилган маҳсулотлар ҳақида самимий суҳбатлашди. Шундан сўнг катта экранда ўзбек миллий либосларининг тарихи ҳақида иштирокчиларни руҳлантирувчи видеоролик намойиш этилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, либослар тарихига доир билимлар бугунги кунда кўплаб йўқолиб кетаётган бебаҳо ёдгорликларимизнинг хилма-хиллигини қайта тиклаш ва халқимизнинг нодир меросини дунёга танитишга хизмат қилади. Қадимдан то ҳозиргача бўлган анъанавий, бетақдор либосларни кўриш, ҳудудларда — кишлоқ, шаҳар, туманларда сақланиб келинаётган ўзига хос фарқларни тушуниш, уларга қадрият нигоҳи билан қараб, тарғиб этиш, келгуси авлод-

ларгача сақлаб қолиш, давомийлигини таъминлаш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

— Тарихий манбаларга кўра, халқимизнинг ҳар бир ижтимоий қатлами алоҳида таърифга эга либосларни кийишган, — дейди Жиззах шаҳрида ўз тадбиркорлик фаолиятига эга дизайнер Дилноза Уктамова. — Бой савдогарлар, маҳаллий зиёлилар, жадидлар, муаллимлар, дин аҳллари, имом, сўфилар, қози-калонлар, шахарлик хунармандлар, қишлоқлардаги меҳнатқас деҳқонлар, кулолчилар, темирчилар, чўпонларнинг ҳар бирининг ўша даврдаги турмуш тарзини акс эттирувчи кийиниш услуби бўлган.

Дарҳақиқат, либос эгасининг нафақат ижтимоий қатламнинг қайси даражасида яшашлиги, балки унинг ёшини, қандай маросим (тўй ёки таъзия)да иштирок этиш учун кийгани ҳақида ҳам сўзлайди. Биргина, устки кийимлар орасида энг кўп тарқалган ва ҳозиргача етиб келган либос — тўн-чопонга назар солайлик. Тўн тикилишига қараб авра тўн, астарли тўн, пахталик тўн дейилган. Тикилган матосига қараб қалами тўн, банорас тўн, беқасам тўн, кимхоб тўн, сурра тўн, кимга мўлжалланганлигига қараб эса бола тўн, куёв тўн, қуда тўн каби номлар билан аталган.

Мана шундай бир-бирини тақдорламас, кийиниш тартиби ва маъносига эга миллий либосларни замонавий қўринишда яратиш, жамиятга тақдим этаётган вилоятимизнинг таниқли дизайнерлари либослар кўргазмасининг асосий қаҳрамонлари бўлишди. Махфират Ўсарова, Висола Саидова, Моҳичехра Тоирова, Навбахор Бобоева, Севара Ўроз-



боева, Шахло Раҳматова, Сарвиноз Шакарвалар ижоди билан тикилган либослар минглаб томошабинларнинг олқишларига, қизиқишларига сабаб бўлди. Қолаверса, пойтахтдан ташриф буюрган хонандалар, воҳамиз санъаткорларининг чикишлари, ўзбек, қозок, қорақалпоқ тилида янграган куй-қўшиқлар иштирокчиларда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Кўргазма сўнгида турли номинациялар бўйича эътиборга лойиқ қўрилган дизайнерларга вилоят ҳокимлигининг ташақкурномалари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Гулчехра ХИДИРОВА.
("Жиззах ҳақиқати")

Шерзод ЭҒАМҚУЛОВ олган суратлар.

"ЯШИЛ МАКОН"
ЛОЙИҲАСИ — АМАЛДА

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ, МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ УЧУН

Бугун юртимиз бўйлаб кенг тус олган "Яшил макон" умумимиллий лойиҳасининг маъно-мазмуни ҳамда мақсади республикамизда яшилликни кенгайтириш баробарида табиатни асраш, экология мусаффолигини сақлашга қаратилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 21 октябр куни Марказий Осиё атропо-муҳит ва иклим ўзгаришини ўрганиш университетига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ҳам лойиҳа доирасида юртимизнинг ҳар бир нуктасида кўчат экиш ишларини янада жадаллаштиришда муҳим омил бўлди. Хусусан, болаларнинг дам олиш ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти тасарруфидаги Шароф Рашидов туманидаги "Шароф Рашидов", "Энержи", Зомин туманидаги "Юлдузча" болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 1000 тулга яқин мева, манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилди.

Бу хайрли ишлар қизгин давом этмоқда. Наботот оламини кенгайтириш, яшиллик дунёсини муҳофаза қилиш фақат мутасадди ташкилотлар эмас, барчамизнинг муҳим вазифамиз бўлмоғи лозим. Маконимиз яшилликка бурканса, бундан факат фойда кўрамиз, роҳатланамиз, мусаффо келажагимиз мустаҳкамланади. Қолаверса, оромгоҳларимизда тозалаш, ободонлаштириш, дарахтларга шакл бериш ишлари амалга оширилмоқда. Мақсадимиз мавсумда болаларнинг соя-салқин, сўйма ва осийишта, гўзал табиат оғушида жойлашган оромгоҳларда ўз тенгдошлари билан мароқли ва мазмунли дам олишларини самарали ташкил қилишдир.

Достон ЗОКИРОВ,
Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Жиззах вилоят бошқармасининг бош мутахассиси.

ШУКРОНАЛИК



Мамлакатимизда "Инсон қадри учун, инсон бахти учун" деган эзгу гоя бугун ҳаётимизда асосий дастурга айланди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, виждон эркинлиги таъминланаётгани Рамазон ойида янада яққол намоён бўлди. Муқаддас динимиз буюрган хайрли амаллар — аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳр-саховат, қаноат, ахлоқ-одоб, илму маърифат фазилатлари жамиятимизда тобора мустақкам бўлиб бормоқда.



Жорий йилнинг 25 март куни республикамизнинг барча вилоятларида эҳсон дастурхони ёзилиб, ифторлик маросими ўтказилди. Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари халқимизни ва жамики мусулмон умматини муборак Рамазон ойи билан табриклади. Юртбошимиз ўз нутқида ёшларни ёт гоёлар таъсиридан сақлаш, илм-маърифатга йўналтириш, меҳнат ва касбга ўргатиш жуда муҳим эканини таъкидлади. Жорий йилда "Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи" шиори остида маҳаллаларда ифторлик дастурхонлари ёзилиб, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Бундай хайрли ишлар инсон қадрини улуғлаш, пок мақсадли барча юртдошларимизни янада бирлаштиришга хизмат қилди.

қўлга киритишга боғлиқ бўлиб келган. Мусулмонлар Рамазон ойи рўзасини тугаллаганларидан ҳамда у тўғридаги Аллоҳнинг ҳаққини адо этганларидан кейин Аллоҳ уларга бу кунни хайит ва байрам қилиб берди. Бу кунда улар улкан ютуқлар ва катта муваффақиятларга эришганларини, сурур ва севиңчларини, розилик ва мамнуликларини изхор этиб, байрам қилишади. Шунинг учун ҳам бу кун "Мукофотлаш кунини" ҳам дейилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтди: "Хайит кунини бўлганда фаришталар ерга тушилади ва кўчаларнинг бошига туриб олишади. Ва инсу жиндан иборат барча халойиқ эштадагилар озоб билан нидо қилишади: "Карамли Роббингиз томон чиқинг. У сизга катта ахшиликлар беради ва гуноҳларни махфират қилади!". Ушбу саодатли арафа кунинда Аллоҳ таоло туган рўзаларимизни, барча эзгу амалларимизни қабул айласин. Ватанимиз обод, халқимиз фаровон ва дасмаъдан ҳаётининг биринчи кунини 30 марта — яшанба кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, юртимизда бу сана байрам сифатида кенг нишонлиниши эълон қилинди. Хайит мусулмонлар наздида доимо буюк ишларни улкан ва кўп ютуқларни

Меҳмонхон ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Жиззах вилояти вакили. Б.ҚУДРАТОВ олган сурат.

АСРЛАР САДОСИ

Республикамиз давлат делегациясининг Парижга расмий ташрифи чоғида машҳур фотограф Поль Надар томонидан XIX аср охирида ишланган суратни Франция Президенти Эммануэль Макроннинг совғаси сифатида қабул қилар экан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ифтихор билан "Бу менинг Ватаним!" деди.

Телевизор экранлари, интернет саҳифалари орқали ушбу воқеани кузатганларнинг кўпчилигини ўша суратда юртимизнинг қайси манзили акс эттирилгани, Поль Надарнинг кимлиги қизиқтириши табиий. Президент тўхфаси Жиззах вилояти ҳудудидаги Нурота ва Моргузар тоғ тизмаларини бир-бирдан ажратиб турувчи Илон ўти дарасининг энг тор жойидаги "Темир дарвоза" деб аталувчи табиат ёдгорлигининг фотосурати эди. Ушбу суратни Поль Надар 1890 йилда Туркистонга сайёх сифатида келган пайтда туширган.

Жижон фотографияси тарихида ўлмас асарлари билан из қолдирган буюк француз фотографи Поль Надар номи Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон учун унчалик нотаниш эмас.

Фотографик Поль Надарнинг ота мерос касби эди. У XIX асрнинг буюк ёзувчилари, шоирлари, сиёсий арбоблари, файласуфлари ва донишмандларининг фотопортретларини яратиб, "Надар" тахаллуси билан жаҳонга танилган француз фотографи, журналист Гаспар Феликс Турнашон оиласида 1856 йилда Парижда туғилган.

Поль Надар 1874 йилдан отасининг студиясида ишлаш бошлаган. У 1890 йилда Тошкентда ўтказилган Бутунжаҳон фотокўргазмасига ўз асарларини қўйиш мақсадида Туркия орқали Туркистонга сафар қилган.


Поль Надар 18 августда Париждан чиқиб Истамбул, Боку, Батуми ва Тбилиси шаҳарларидан, Каспий денгизидан ўтиб, сўнг Шарқий экспресс поездида Туркистон губернияси ҳудуди бўлган Ўзбекистонга етиб келган. У икки ой давомида Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Жиззах ва бошқа кўплаб шаҳарларда бўлиб, ўлканинг кундалик ҳаёти, ёдгорликлари, табиати, темирйўл қурилиши ҳақида 1200 тага яқин суратлар ва пор-

Поль НАДАР "ТЕМИР ДАРВОЗАСИ" НИНГ Ўзбекистонга учинчи сафари

третлар ишлаган. Ушбу саёҳати тўфайли фотография тарихида биринчилардан бўлиб "Катта репортажлар" тўпламини яратган ва Тошкентда ўтказилган фотокўргазмада қатнашган. Надарнинг суратларида ўша даврнинг манзараси — масжидлар, бозорлар, кўчманчилар ҳаёти, ўйнаб юрган

Надар ушбу сурати орқали бизга шуни ҳам етказибди. Буюкларнинг буюклиги шундаки, ўзлари ўтиб кетганларидан сўнг ҳам уларнинг мероси авлодларга хизмат қилади. Поль Надарнинг фоторепортажлари, фотопортретлари, фотолавлари

тарихига, маданиятига катта ҳурмат билдирилгани, буюк шахсларнинг нодир асарлари тақдим этилгани боис гўзал диёримизнинг ноёб табиати акс этган сурат учинчи марта юртимизга келди. Давлатимиз раҳбарининг "Бу менинг Ватаним!" деб фахрланганидек, суратда акс этган манзил Жиззахнинг тарихий тимсолларидан бири.



болалар, савдогарлар, маҳаллий амалдорлар, жумладан, Бухоро амири портретлари бор. Суратларда акс этган кўп жойларнинг бугунги қиёфаси бутунлай ўзгариб кетган. Бу ўзгариш "Темир дарвоза"нинг бундан 135 йил аввалги сурати ва унинг ҳозирги қурилишидаги фарқда ҳам намоён. Надар суратга олган даврда даранинг "дарвозаси" анчагина текис бўлган. Автомобиль тош йўли ва темир йўллар ва вақтда қурилмаган. Сангзор дарёси ўзани бир текисда бутун дара бўйлаб қўзилган. Бугун Сангзор дарёси ўзани автомобиль ва темирйўлдан 2-3 метр пастанда. Дарё ўзанининг бу қадар пастанга тушиб кетишида биз, инсонларнинг ҳам хизматимиз катта. Ўзандан тинимсиз тош-шагал олиб, уни йил сайин чўктираётимиз. Яна бир муҳим ўзгариш — бундан юзлаб йил олдин яшаганлардан ҳеч бири қоятошга номини ёзиб, табиат хуснига пугур етказмаган экан. Поль

давралар, авлодлар тасвирини даврдан-даврга, авлодан-авлодга етказиб келмоқда. Тарих буюк фотографиянинг хизматларини унутмайди. 2010 йилда Тошкентда "Поль Надар: Туркистон Туркистонга 1890" деб номланган фотокўргазма ташкил этилган. Унда буюк фотостанинг Франция маданияти вазирилик фотокўргазмида сақланаётган асл нусхалардан ишланган Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг бой қадимий маданиятини акс эттирувчи 70 та фотосурати намоён этилган. Ўша кўргазма тўфайли буюк француз фотостаси ўзининг асарлари орқали юртимизга иккинчи марта ташриф буюрган эди. Маълумки, Ўзбекистон делегациясининг Францияга расмий ташрифи давомида ҳар иккала давлат раҳбарлари ўзаро совғалар алмашишди. Унда ўзаро халқлар

Шу ўринда ушбу фотосуратда акс эттирилган жой номи билан боғлиқ бир ноаниқликни айтиб ўтиш жоиз. Ушбу тарихий суратдаги табиий ёдгорликнинг машҳур сохибқирон бобомиз Амир Темурга алоқаси бўлмаганда, уни "Амир Темур дарвозаси", "Темурлан дарвоза" деб аташ негадир одат бўлиб қолаётгандек. Президентимизнинг Парижга расмий ташрифини ёритган хориждаги, ҳатто республикамиздаги айрим оммавий ахборот воситалари, айниқса, ижтимоий тармоқлар бу сурат туширилган жой номи келтиришда шундай хатога йўл қўйишди.

Шарқу фарни боғловчи Буюк Ипак йўлида табиат яратган бу дарвозанинг тарихи барча ўтган буюк зотларнинг тарихидан анча қадимий бўлиб, у Амир Темурни ва унга ҳам қанча фотихлари буюк зотларни қутиб олиб, кузатиб қўйган жой. Тарихий асарларда, қадим туркий битикларда бу жой "Темир қопқа" яъни "Темир дарвоза" шаклида ёзиб қолдирилган. Шундай экан, уни "Амир Темур дарвозаси" ёки буюк саркарда номига ҳақоратомуз бўлган "Темурланг дарвозаси", "Темурланг дарвозаси" шаклида қўллаш тарихимизга ва улуг аждодларимиз рўҳига ҳурмат-сизликдир. Аксинча, ушбу жүрғофий жойни ўзининг тарихий номи билан аташ буюк бобоконанимизга ҳурматимизни заррача қамайтирмайди. Кейинги пайтларда бу хато тарихимиздан беҳабар хорижий ахборот воситаларидан ташқари, ўзбек тилидаги айрим ижтимоий тармоқ каналларида, тижорий рекламаларда учраш жуда ачинарли. Бундай ҳолларга фарқ бўлмаганимиз, тўғри тарғибот олиб боришимиз ва хатоларни тузатишимиз керак...

Тошкул БЕКНАЗАРОВ, фахрий журналист.

ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФ ВОҲАДА АГРОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Агротуризм, яъни қишлоқ туризми — бу сайёҳларнинг аҳоли турмуш тарзи, урф-одатлари ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ҳамда қайта тайёрлаш жараёнларини кўриш, уларда бевосита ўзлари иштирок этишлари мақсадида ташриф буюриши демакдир. Бугунги кунда агротуризмнинг тез суръатларда жадал ривожланаётгани мамлакатлари қаторига Греция, Малайзия, Германия ва Россияни киритишимиз мумкин. Ушбу давлатлар агротуризм ривожланишига давлат даражасида эътибор қаратиб, соҳада махсус ишлаб чиқилган қонунлар фермерлар ва маҳаллий қишлоқ аҳолисига қатор қўлайликлар яратади. Масалан, Латвияда "Яшил сертификат" ташкил этилган бўлиб, уни қўлга киритган фермер ўз ҳўжалигига маҳаллий ва чет эллик сайёҳларни жалб этиш, уларга ётоқ учун жой бериш имкониятига эга бўлади. Италия ва Испанияда агротуризм узум етиштириш, уй шароби, пишлоқларни тайёрлашда иштирок этишлари, Польшда отда сайр этишлари мумкин. Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳа жадаллик билан ривожланмоқда ва бу йўналишда келгусида қўпгина ишларни амалга ошириш кўзда тутилаётган. Вилоятимизнинг тоғли ҳудудларида Шароф Рашидов, Фаллаорол, Бахмал, Зомин, Янгиобод ва Фориш туманлари киради. Бу ерларда рекреация ва туризм, хусусан агро ҳамда экотуризмни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Тоғ қишлоқларида қурилишларни тартибга солиш, уй-жой қуриш, фойдаланиши мумкин бўлган ҳудудлар чегарасини қатъий белгилаш, аҳолини доимий иш билан таъминлаш, саннат корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга эътибор бериш лозим. Воҳадаги учта

алоҳида кўрикландиган ҳудуд — Зомин миллий боғи, Зомин ва Нурота давлат кўриқхоналари, ўрмон ҳўжаликлари ҳамда Айдар-Арсасой кўллари тизимини ҳосил қилувчи табиий масканлар ҳам қишлоқлар ҳудуди ёки улар атрофида жойлашган. Тоғ ён бағрида жойлашган туманларнинг табиати ва иклими бу жойларга азалдан туризм шаклланди, эндиликда уларни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш масалалари турибди. Паст ва ўртача туристик имкониятга эга ҳудудларда эса овчилик, балкичилик, экотуризм, спорт, соғломлаштириш, этнографик туризм турлари билан бирга агротуризмни ривожлантириш мумкин. Фориш ва Зомин туманларидаги қишлоқларда ташкил этилган уй меҳмонхоналари йилга минглаб чет эллик сайёҳларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Эндилликда қишлоқ ҳудудларида ушбу йўналишни янада такомиллаштириш мақсадида Бахмал туманида 3 та, Фаллаорол туманида 3 та, Арнасой туманида 1 та уй меҳмонхоналари барпо этиш давлат дастурига киритилган. Вилоятда туризмнинг фаол тури — треккинг (баланд тоғликлар

оша пиёда юриш), спелеотуризм, бирлаштирилган туризм (аслида бир йўналишда фаол туризмнинг ҳар хил турларини бириктирган), ҳаваскорлик (спорт) туризми, ов ва балиқ ови, экологик туризм, табиий масканлар, табиат обидалари, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг алоҳида турлари, даволаш-соғломлаштириш туризми (рекреацион), тарихий, маданий ва географик қадим-жоларга ташриф буюриш, фольклор-этнографик туризм, миллий қадриятлар — маҳаллий фольклор ва ҳунармандчилик билан танишиш каби йўналишларини ривожлантириш мақсада мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун вилоятда туризм йўналишида кенг миқёсда фаолият юритувчи менежментларни тайёрлаш, маҳаллий аҳолининг билим ва кўникмаларини шакллантириш, туристларни қабул қилиш, уларга сервис хизмат кўрсатишда алоҳида малакали кадрларни тайёрлаш зарур бўлади. **Мажраб УСМАНОВ, ЖДПУ география ва ИБА кафедраси доценти.**

ҚОНУН ВА ИЖРО

2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида Бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаштириш белгиланди. Республика Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан соҳага доир қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

ҲАЛОЛ РАҚОБАТ САРИ

Бошқарма томонидан ўтган йили 30 мартаба "ex-post" усулида ўрганиш ишлари олиб борилди. Унга қура, жами 62879 та ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ҳатловдан ўтказилди. Шундан 135 та ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонуни талаблари бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган. Натижанда тўққизта туман ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирият Маҳкамасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда Инсофсиз рақобатни аниқлаш методикасини тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг regulation.gov.uz порталига туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган 300 та қарор ва 2 та фармойиш ҳужжатлари лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги қонуни талаблари доирасида "ex-ante" усулида рақобат муҳитига таъсири баҳоланди. Кўриб чиқилган ҳужжат лойиҳаларининг 10 тасига тақлиф ва эътирозлар мавжуд эмаслиги ҳамда 4 тасига қонун талабларига эид бўлган нормалар мавжудлиги сабабли уни қайтадан кўриб чиқиш лозимлиги тўғрисида ҳулосалар тақдим этилди ва ижроси назоратга олинди.

Юртимизда турли байрамлар, айниқса, кўклар олдидан умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш анъанасига айланган. Ҳимизгагина хос бўлган ҳашарнинг қадрият даражасига кўтарилгани ҳам бежиз эмас. Чунки бирдамликда амалга оширилган ободонлаштириш ишлари меҳр-оқибат, дўстлик ришталарини мустақкамловчи восита ҳамдир.

Шароф Рашидов туманидаги Қахрамон маҳалласида амалга оширилган ҳашар ишларида ана шундай бирдамлик яққол акс этди. Эрта тонгданок уюшқоқлик билан бошланган ишга маҳалла раиси Р.Даминов, эллиқбоши А.Яхшиликлар бош бўлишди. Кўнгиллилар дастлаб "Кўшбармок" қабристонидан ободонлаштириш ишларини олиб боришди. Маҳалланинг иккита кўчасини ҳашар йўли билан шағаллаш-

БИЗГА ОБОД МАҲАЛЛА ЯРАШАДИ

тиришди, бир неча кўчалардаги эскирган ичмилк суви тармоқлари янги сисига алмаштирилди. Дарахтларни оқлаб, кўчаларни чиқиндилардан тозалашди. Ҳашарчилар меҳнатидан оқибатда маҳалла кўчалари обод бўлди. Бундан ташқари, кам таъминланган иккита хонадонга Рама-

зон хайити олдидан эксон сифатида озиқ-овдат маҳсулотлари олиб борилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди.

Ш.МАНСУРОВА, ("Жиззах ҳақиқати")



ХАЛҚНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИДИР

МУНОСАБАТ

УМУММИЛЛИЙ ВАЗИФА ВА ВИЖДОН ИШИ

Жорий йил 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида "Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар" га бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда бир қатор соҳаларни янги ўзгаришлар билан такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари: "Тақрор ва тақрор айтаман: биз очлик сибатини, сўз эркинлиги гоғларини ҳаётга татбиқ этишда ҳаммиша қатъий бўламиз!" дея таъкидлаб, юртимиздаги барча касбий йўналишларда шаффоф иш тизимининг йўлга қўйилиши энг муҳим вазифа эканлигини айтди. Жумладан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, камбағалликни қисқартириш, бандлик соҳалари, давлат ва жамиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, бу соҳалардаги коррупция аҳолига катта зарар келтириши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, соҳалардаги молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги барча маълумотлар ҳар ойда электрон платформаларда тартибли тарзда жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Тиббиёт ходимлари ва ижтимоий ҳимоя, камбағалликни қисқар-

тиришчи ва бандлик вазирлиги ходимлари учун коррупцияга қарши махсус ўқув курслари ўтказилиши эътиборга олинмоқда. Коррупциянинг салбий оқибатлари ва жиноий жавобгарлик ҳақида тизимдаги мутахассисларни тўлиқ хабардор этишга қаратилган тарғибот тадбирларини ташкил этиш режалаштирилди. Тиббиёт, ижтимоий ҳимоя, бандлик вазирлигига қарашли муассасаларда фуқаролар ўз ҳуқуқлари ҳақида маълумот олишлари учун махсус стендлар ўрнатилиши белгиланди. Ислохотлар йўлига ғов бўлгучи бундай иллатнинг олдини олиш учун бир қатор тизимли ва самарали чоралар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қамровини янада кенгайтириш, соҳавий, ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларида фаол бўлиш, аҳолига қулай ва си-

фатли хизмат кўрсатишда электрон фаолият турларини кўпайтириш йўлга қўйилмоқда. Бироқ очик айтиш керакки, барча натижаларга ва ўзгаришларга замон шиддатига қараганда анча суғ эришилмоқда. Шу боисдан ҳурматли Президентимиз кўплаб тизимлардаги камчиликларни бартараф этишда энг аввало, коррупцияга қарши курашиш ҳаракатларини кечиктириб бўлмастлигини дунё микросида таҳлил этилган маълумотлар билан ифода этди.

Халқнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий қарашларига, ёшларнинг ўз Ватанига бўлган садоқати ва муҳаббатига, Конституция ва қонунлар ижросидаги ҳурматга салбий таъсир этувчи коррупцияга қарши курашиш бугун ҳар биримиз учун аҳамиятли ва зарурдир. Зотан Ҳуртобшомиз айтганидек, "Ислохотларимиз натижадорлиги аввало, садоқатли, фидойи ва коррупцияга тоқатсиз янги авлодга бевосита боғлиқ. Бу ишда фикри тоза ёш авлоднинг тарбиялаш устувор вазифага айланиши шарт".

Қолаверса, муҳтарам Президентимиз нодавлат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали кенг жамоатчиликни фаолликка чақирishi лозимлигини билдириб, "Коррупцияга қарши кураш умум-миллий вазифа, ҳар бир ватан-



парвар юртдошимизнинг виждон ишидир. Умунан бу жараёндан ҳеч ким четда турмаслиги керак" лигини таъкидлади. Шундай экан, бугун Янги Ўзбекистон равнаки учун, фарзандларимизнинг келажаги учун қайси соҳада меҳнат қилмайлик, мазкур иллатга қарши курашиш ҳаракатларини виждон иши, инсонийлик вазифаси сифатида амалга оширишни бурчи одатга айлантирайлик. Ота-боболаримиздан бизга мерос бўлмиш ҳалолликка йўғрилган хислатлар ҳар нафасда бизни ҳушёр этсин.

Назира МУХТОРОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Коррупциядан холи Янги Ўзбекистон учун бирлашайлик!

Албатта, Жиззах вилоятида ҳам коррупцион жиноятларга қарши курашиш, авваламбор, ушбу жиноятларни барвақт олдини олиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Сув ҳўжалиги тизимида ҳам ўтган йилларда коррупциявий ҳолатларга йўл қўйилганлиги ачинарли ҳолдир.

Хисоботлар бўйича 2024 йилда бу борадаги жиноятлар 5 тани ташкил қилди. Ўтган йили 15 нафар мансабдор шахслар суд ҳукми билан жазого тортилган.

Мисол тариқасида, Галлаорол туманидаги хусусий корхоналарнинг бирида раҳбар М.К ва буюртмачи "Жиззахсувқурилишинвест" ДМ ўр-тасида Зомин туманида жойлашган "К-4,К-5" коллекторлар тизимини таъмирлаш, Пахтакор туманидаги "ЖЗБ" коллекторлари таъмирлаш ва Дўстлик туманидаги "ЦК-11" коллекторлар тизимини таъмирлаш бўйича жами 323 млн сўмлик бюджет маблағлари талон-тарож қилинган. Суд ҳукми билан 9 нафар шахслар жиноий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 1 нафари 5 йил 7 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Ўқитилган 25 май куни ўтказилган теозор тадбирда Галлаорол туманида жойлашган Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги "Туятортар-ҚЛИ" ирригация тизими бошқармаси таъмирлаш ишлари ташкил этиш ва мониторинг қилиш шўбаси бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган Қ.Х фуқаро У.С.га тумандаги "Қора-қўйли" қишлоғида жойлашган, "Туятортар ҚЛИ" ирригация тизимига ишловчи танишлари орқали ҳўжатларни расмийлаштириб, шартнома қилиб бериш эвазига талаб қилинган 500 АҚШ долларини олган вақтида ашўвий далиллар билан ушланган.

Ҳолат бўйича гумонланувчи тергов ҳаракатларига жалб этилиб, суд ҳукми билан жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Бундай тадбирларни ўтказиш жорий йилда ҳам давом эттирилади. Коррупцияга барҳам бериш мақсадида меҳнат жамоалари ва аҳоли ўртасида тарғибот тадбирлари олиб борилапти. Корхона, муассаса ва тегишли ташкилотларда коррупция

билан боғлиқ хатти-ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик)лар кузатилганда бу ҳақда зудлик билан кун-тун фаолият кўрсатадиган (72) 226-10-07 ёки 226-00-07 рақамли "Ишонч телефони"га ёғуд ижтимоий тармоқдаги Жиззах вилояти прокурорининг @viloyat_prokuroriga_murojaat номли телеграм саҳифасига тўғридан-тўғри маълум қилиш тизими йўлга қўйилган. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади.

Шунингдек, Бош прокуратуранинг "1161" рақамли ишонч телефони ҳамда "БПАНТИКОРУЗ_БОТ" телеграм канали ишга туширилди.

Бугун юртимизда барча соҳада коррупция иллатига қарши курашиш умумхалқ ҳаракатида айланди. Бошқа ҳар қандай жиноят каби коррупция билан боғлиқ ҳеч бир қилмиш аввало, жамоатчилик назаридан, қолаверса, ҳуқуқ-тартибот идоралари эътиборидан четда қолмайди.

Вилоятимизда 2024 йилда 2023 йилга нисбатан коррупцион жиноятлар бир қадар камайган бўлса-да, бироқ битта бўлса-да жиноятнинг содир этилиши фавқуллодда ҳолат сифатида баҳоланади.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтган 2024 йилда коррупцияга қарши курашиш, уни барвақт олдини олиш, ҳар бир фуқарода унга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича 277 та тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Бироқ коррупцияга тўла барҳам бериш борасида ҳали амалга оширадиган ишларимиз кўп, назорат тадбирлари давом эттирилади. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, "Барчамиз яхши тушунамиз, коррупцияга қарши кураш жараёни ҳеч қачон аниқ муддат билан чекланмайди. Ушбу масалада фақат давлатнинг саъй-ҳаракати билан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Бу — бутун жамиятимизнинг иши". Шундай экан, барчамиз биргаликда қонун устувор, адолат ҳукмрон бўлган жамиятимизни коррупциядан халос этайлик.

Ойбек ҚОСИМОВ, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.

Музаффар КАМАЛОВ, вилоят прокуратураси бўлим прокурори.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир давлатнинг тараққиёти, инсон капиталининг сифатига боғлиқ бўлиб қолди. Бунинг энг муҳим манбаси эса таълим тизимидир. Сифатли ва адолатли таълим тараққиётнинг негизи, келажакнинг мустақам пойдеворидир. Аммо бу соҳада ҳам айрим огрикли муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг энг хавфлиси — коррупциядир.

Таълимга раҳна солувчи иллат



Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Коррупция ҳар қандай жамиятни емиррадиган энг хавфли иллатдир. У адолатни, тенгликни, ишончни йўққа чиқаради".

Таълимда коррупция нафақат илм-фан ривожига, балки бутун жамиятнинг маънавий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Пора орқали олинган баҳо, сотиб олинган диплом бу билим эмас, бу келажакка хиёнатдир.

Айрим ҳолатларда пул эвазига имтиҳондан ўтиш, рейтинг балларини "тартибга солиш", илмий ишлар ёки диплом ишларининг сотилиши сингари иллатлар кузатилмоқда. Бу ҳолатлар ҳар қанча ютуқ ва ислохотларга доғ бўлмоқда. Чунки адолатга эмас, молиявий имкониятга асосланган тизимда ҳақиқий истеъдодлар сояда қолиб кетади.

Президентимиз бу борада яна бир бор огоҳлантиргани: "Коррупциянинг илдизини қуритмасдан, ҳеч қачон тараққиётга эриша олмаймиз. Таълим тизими ҳалол бўлмаса, жамиятда адолат бўлмайди".

Коррупциянинг энг хавфли жиҳати — у ижтимоий тенгликни бузади. Талабалар билимга эмас, таниш-билиш ёки пулга таянадиган тизимда ўқиш истагидан совийди. Ўқитувчилар эса баҳо қўйишда ҳалолликдан чекинишга мажбур бўлиши мумкин. Бу эса таълим муассасаларининг обрўсини пасайтиради, ёш авлодда ишончсизлик ҳиссини уйғотади.

Коррупцияга қарши кураш — бу фақат қонуний чоралар эмас. Бу аввало, ҳалоллик, поклик, виждон маданиятини шакллантиришдир. Ҳар бир таълим муассасасида шаффофликни таъминлаш, электрон назорат тизимларини кенг жорий этиш, ўқитувчи ва талабалар ўртасида очик мулоқотни кучайтириш зарур. Таълимда адолат бўлмаса — тараққиёт сўнади. Билимсиз мутахассислар жамиятга фойда эмас, зарар келтиради. Шундай экан, ҳар биримиз бу иллатга қарши курашда фаол бўлишимиз шарт. Ҳалол билим, пок ният, шаффоф баҳолаш келажак авлод учун энг улғ меросдир.

Ф.ЯКУБОВ, Жиззах политехника институтининг Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси доценти.

Тараққиётга энг катта тўсиқ

Жиззах вилояти солиқ бошқармасида тизим ходимлари ўртасида коррупцияга қарши курашишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят солиқ бошқармаси раҳбарияти ва ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ҳамда шахсий таркиби ва Жиззах шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари иштирок этдилар.



Йиғилишда солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг олдини олиш йўллари муҳокама қилинди. Жиззах вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи Бобур Исмаилов ўз сўзида коррупцияга қарши курашиш давлат сибатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб, 2017 йилда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг аҳамиятига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида берган топшириқларидан келиб чиқадиган асосий масалаларга тўхталди.

Шунингдек, Солиқ қўмитаси раисининг 2024 йил 25 январдаги 12-сон буйруғига биноан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки унга қарши курашишда фаол иштирок этган ходимларни рағбатлантириш тартиби белгиланганлиги ҳақида маълумот берилди.

Йиғилиш давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари сўзга чиқиб, тизимда содир этилган айрим коррупция ҳолатлари ҳақида гапирдилар. Хусусан, солиқ идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари каби ҳолатлар очиклигини, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилгани таъкидланди.

Йиғилишда солиқ органлари раҳбар ва ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш, коррупция ҳолатларини олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар кучайтирилиши лозимлиги қайд этилди. Солиқ ходимларининг муомала маданиятига эътибор қаратиш, тадбиркорлар билан қонуний асосда ишлаш ҳамда давлат бюджетига тушумларни ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Тадбир якунида тизимда коррупцияга йўл қўймаслик, қонунбузарликларга қарши муросасиз курашиш ва солиқ органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Р.ХОДЖАЕВ, вилоят солиқ бошқармасининг шахсий хавфсизлик бўлими ходими.

Ўқув-СЕМИНАР

Фаолликни оширайлик!

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, жамиятда ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда белгилаб берилган вазифалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини ошириш мақсадида "Юксалиш" ҳаракати Жиззах вилояти ҳудудий бўлинимаси, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари "Эзгулик" жамияти, ўзННТМА вилоят бўлинимаси, вилоят ҳокимлиғи ҳузуридаги жамоатчилик Кенгаши ҳамкорлигида "Коррупцияга қарши курашишда ННТЛарнинг роли" мавзусида фуқаролик жамияти фаоллари учун ўқув-семинари ўтказилди.

Мазкур семинар машғулотларида вилоятдаги ННТЛар, ҳаракат қошидаги экспертлар гуруҳи, вилоят ҳокимлиғи ҳузуридаги жа-

моатчилик Кенгаши аъзолари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди. Семинар икки кунлик жадвал асосида ўтказилиб, унда лекторлар томонидан коррупция ва унинг келиб чиқиши, коррупцияга қарши курашиш қонунчилиги юзасидан иштирокчиларга батафсил тушунчалар берилди.

Куннинг иккинчи ярмида эса олинган назарий билимларни мустақамлаш мақсадида гуруҳларга бўлинган ҳолда амалий машғулотлар олиб борилди. Ўқув-семинарининг сўнгги кунда иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида жамоатчилик назорати шакллари ташкил этиш ва амалга ошириш жараёни, кор-



рупциянинг олдини олишда жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик эшитиши, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик сўровлари каби меҳанизмлардан самарали фойдаланиш юзасидан зарурий билим ва кўникмалар берилди.

Тадбир сўнггида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлардан келиб чиқиб, асо-

сий вазифалар белгилаб олинди. Семинарда фаол қатнашган иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Жасурбек ҚАРШИЕВ, "Юксалиш" ҳаракати Жиззах вилояти ҳудудий бўлинимаси бош мутахассиси.



Besh tashabbus — Bosh tashabbus



JIZZAX YOSHLARI

ANGLIYAGA TA'LIM SAYOHATI

Gazetamizning avvalgi sonlarida Jizzax shahridagi 22-maktab o'quvchilari Prezident sovrini uchun o'tkazilgan "Xorijiy tillarni o'qitish bo'yicha eng yaxshi maktab" tanlovining final bosqichida 1-o'rinni egallagan haqida xabar bergan edik. Ular 500 mln so'm miqdorida pul mukofoti bilan taqdirlanishdi. Bundan tashqari xorijga ta'lim sayohati ham belgilangan edi. Jizzaxlik o'quvchilar va ularning yutuqlariga katta hissa qo'shgan ingliz tili o'qituvchisi Angliyada bir haftalik ta'lim sayohatida bo'lib qaytishdi.

— Sayohat davomida London va Oksford shaharlarida bo'ldik, — deydi o'qituvchi Madina Urdu-sheva. — Dastlabki kuni Temza daryosida kruiz sayri, London minorasi va xiyobonlarni aylandik. Menga shaharda tarixiylik va zamonaviylikning uyg'unlashgani juda yoqdi. Leyb gvardiya, otlik kavaleriya vakillarining necha yuz yillardan beri saqlanib kelinayotgan libosda shahar bo'yab jamoat

tabirini nazorat qilib yurishi Londonning o'ziga xosligini belgilaydi. Ular bilan Qirollik oilasining Winter qasri tashqi qismida suratlariga tushdik. Qasr tarixan qirol oilasiga tegishli bo'lib, uning sayyohlar uchun ochiq qismida ham ko'plab nodir san'at asarlari ko'rgazmalari bor.

Safarimizning uchinchi kunidan Ardmor kollejida o'quv mashg'ulotlarida qatnasha boshladik.

O'quvchilarimiz — Munisa Bo-boqulova, Shahina Bahodirova, Fotima Bahromova, Aziz Ibdul-layev, Maraton Mirzaqulov turli davlatlardan kelgan maktab o'quvchilari bilan Angliya tarixi, madaniyati, san'ati kabi mavzularda qiziqarli ma'ruzalar tinglashdi. Ingliz tili o'rganishni rivojlantiruvchi darslarda qatnashishdi. Shuningdek, har kecha madaniyat kunlari, debat va musobaqalar tashkil etib borildi. Biz ham O'zbekiston madaniyati mavzusida qiziqarli taqdimotni dunyo davlatlari vakillariga namoyish etdik. Bizning milliy li-boslar, an'ana va udumlar, boy madaniy-tarixiy merosimiz barchada katta taassurot qoldirdi.

Oksford shahriga sayohat ham unutilmas bo'ldi. Bu universitet va maktablar shahri. Har qadamda qaysidir nufuzli ta'lim dargohi, uning filiali, kutubxonalar, mutolaa uchun maxsus joylar... Ilmga havasi oshadi kishining. O'quvchilar bi-



lan har bir o'tgan kunni sarhisob qildik. Ular kelajakda shu kabi yu-qorri reytingga ega oliy o'quv yurt-larida o'qishni niyat qilishdi.

Ta'lim sayohati Prezidentimiz tomonidan yoshlarni rag'batlantirish maqsadida amalga oshayotgan eng samarador motivatsiya-lardan biri. "Jadidlar izidan", "Tu-ron" teatr maktabi kabi tanlovlar g'oliblari ham shu tariqa mukofot-lanmoqda. Maktab o'quvchilari bilim va iqtidori orqasidan chet

davlatlarda qadrlil va qimmatli mehmon sifatida bo'lib qaytish-moqda. Avvalo, bunday tengsiz imkoniyat uchun Yurtboshimizga minnatdorlik bildiraman hamda barcha yoshlarni ilm olish, chet tillarini o'rganish va o'z qiziqish-larini rivojlantirish ustida izlanishga chorlayman. Yurtimizda ilmi yosh-lar qadrlanadi.

Muqaddas SAPAROVA.
(“Jizzax haqiqati”)

ILG'OR PEDAGOGLAR

Prezidentimiz tomonidan ilgari surilgan 5 ta muhim tashabbus yoshlarimizga bo'lgan e'tiborni yanada kuchaytirish, ularni madaniyat, san'at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, ularda axborot texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmalarini shakllantirishdan iborat.

“Eng yaxshi mehnat muhofazasi bo'yicha vakil”

Yurtboshimizning uchinchi tashabbusi aholi va xoshlo o'rtasida kompyuter texnologiyalari, internetdan samarali foydalanishni tashkil etishga qaratilgan. Bu borada Ichki ishlar vazirligi Jizzax akademik litseyida ham tadbirlar, ko'rik-tanlovlar, seminarlar, viloyatimizning taniqli professor-o'qituvchilari, adiblar bilan hamkorlikda uchras-huvlar bo'lib o'tmoqda. Ayni-qlib, "Bir million dasturchi" loyihasi doirasida bepul onlayn kurslar orqali o'z bilimini mustahkamlamoqda. Mana shunday mashg'ulot-larda jonbozlik ko'rsatayot-gan ustoz, ijodkor o'qituvchilardan biri Shavkat Djurayevdir.

Shavkat Djurayev 1982-1989-yillarda Jizzax davlat pedagogika institutining matematika fakultetida ta'lim olgan. Ilk mehnat faoliyatini 1989-yilda Jizzax tumanidagi 19-o'rti maktabda o'qituvchilikdan boshlagan. Keyinchalik Jizzax shahridagi 10-maktabda, Jizzax tib-biyot kollejida, Jizzax viloyat pe-dagog kadrlari qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti maso-fadan o'qitishning hududiy muvofi-q-lashtirish bo'limi koordinatori, Jizzax davlat pedagogika instituti qoshi-dagi 2-son akademik litseyida in-formatika va axborot texnologiyasi fani o'qituvchisi sifatida ko'p yillar samarali faoliyat olib borgan. Ustoz o'quvchilarga ta'lim berish bilan bir qatorda o'z ustida ishlaydi va mun-tazam malaka oshirish kurslarida bilimni boyitib boradi. Jumladan, 2009-yil iyul oyida Germaniya dav-latining Berlin shahrida "O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi sektorini rivojlantirish" bo'yicha davlat loyi-hasi asosida bir oy muddatga, 2011-yil dekabr oyida esa Janubiy Koreya davlatining poytaxti Seul shahrida "O'zbekiston Respubli-kasini kompyuterlashtirish multi-me-dia" mavzusidagi davlat loyihasi



asosida bir oy muddatga malaka oshirishda bo'lgan.


2017-yildan hozirgi kungacha O'zbekiston Respublikasi Ichki ish-lar vazirligi Jizzax akademik litseyida informatika va axborot texnologiyasi fani o'qituvchisi vazifasida ishlab kelmoqda. Ustozning ta'lim sohasi-dagi faoliyati viloyatimiz va respub-likamizda ko'p bora e'tirof etilib, meh-natlari munosib rag'batlantirilgan. Shu jumladan, Shavkat Djurayev O'zbekiston davlat muassasalari va jamoat xizmati xodimlari kasaba uyushmasi respublika Kengashi to-monidan o'tkazilgan "Mehnat muho-fazasi bo'yicha vakil" nominatsiya-sida II darajali diplom bilan taqdir-landi. Aslida bu yutuqlarning zamiri-da munosib mehnat sharoiti, ustoz-ning salohiyati, bilimi va kasb mala-kasi yotibdi, albatta.

Olim AVALBOYEV,
IIV Jizzax akademik litseyi
"Umumta'lim fanlar"
kafedras boshlig'i, dotsent.
Nargiza SOLIYEVA,
jismoniy tarbiya
fani o'qituvchisi.

MUTOLAA MADANIYATI

Har bir insonning jamiyatdagi mavqei uning ongli yashashga intilishi, o'z oldiga ijobiy maqsadlar qo'yishi bilan belgilanadi. Ayniqsa, bugungi axborotlar ko'lamini kengaygan, ijtimoiy ta'sirlar ortib borayotgan bir paytda odamiylik qadr-qimmatini muhofaza eta oladigan, yuksak ma'naviyat sari intiladigan, turli niqobdagi salbiy illatlar ta'siriga qarshi tura oladigan irodaga ega bo'lish muhim va ahamiyatlidir.

Tafakkur nafasi



va tanlovlariga ega bo'lish, aqliy anglashlarni hayotga tatbiq etish, intizomli, sog'lom mulohaza yuritish, ichki imkoniyatlarni keng sa-farbar etish mahoratlariga kitoblar orqaligina erisha oladi. Kitob o'qish barchamizning ma'naviy olamimizni boyitadi, so'zlashuv madaniyatimizni oshiradi. Buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiy hazratlari yozganidek, "Kitob — beminnat ustoz, bilim va ma'naviy yuksalishga erishishning eng asosiy manbai".

Bugungi kunda tez-tez uchrab turgan xunrezliklar, jinoyatlariga olib keluvchi sabablar, hayotdagi muammoli vaziyatlar qarshisida sabr-bardosh, aql va oqillik bilan o'zligini saqlab qolish shaxsiy rivojlanishning asosiy odimlaridan-dir. Axborot uzatish tezligi, internet va ijtimoiy tarmoqlar sifati qanchalik taraqqiy etmasin jamiyatda kitob, gazeta va jurnallarning o'rni ahamiyatli bo'lib qolaveradi. Zo-tan, inson tafakkuri faqat va faqat mutolaa bilangina uyg'onadi, na-fas oladi va yuksaladi.

Yaxshilik GULBAYEV,
Jizzax politexnika
institutining dotsenti.
Feruza KARIMOVA,
katta o'qituvchi.

Muzeyga tashrif ortmoqda

Bolalar ta'tilda



Ma'naviy yetuk, komil insonni tarbiyalashda muzeylarning o'rni nihoyatda beqiyos. Zero, muzeylarda saqlanayotgan tarixiy ashyolar, nodir qo'lyozmalar, hujjatlar avlodlarga tarixdan, ajdodlarimiz hayoti, yuksak ma'naviyatdan hikoya qiladi. Bu esa yoshlar qalbida ota-bobalarimiz qoldirgan merosga hurmat, e'zoz va muhabbat tuyg'usini uyg'otish bilan birga, ularda shu aziz Vatanga munosib farzand bo'lish tuyg'usini ham shakllantiradi.

Jizzax viloyati tarixi va madaniyati davlat muzeyi ayni kunlarda ta'lim muassasalarining o'quvchi-yoshlari bilan gavjum. Muzeyimizda tashkil etilgan uchrashuvlar, davra suhbatlari o'quvchilarda katta qiziqish uyg'otmoqda. Yaqinda Jizzax shahridagi 10-umumta'lim maktabi hamda Ichki ishlar vazirligiga qarashli akademik litseyning o'g'il-qizlari ham muze-yimizga tashrif buyurishdi. Ayniqsa, sayohat davomi-

da o'quvchi-yoshlar bilan viloyatimiz tarixi, madaniyati hamda vatanni himoya qilish naqadar sharafli kasb ekanligi to'g'risida muzey xodimlari bilan o'tkazilgan davra suhbatida qiziqarli ma'lumotlar berildi.

Barno SINDAROVA,
Jizzax viloyati tarixi va madaniyati
davlat muzeyi sektor mudiri.

FUTBOL

Jahon chempionati sari yo'l

Futbol bo'yicha 2026-yilgi Jahon chempionati AQSH, Meksika va Kanada yashil maydonlarida bo'lib o'tadi. Osiyo qit'asida Jahon chempionati 3-saralash bosqichining 8-turidan o'rin olgan uchrashuvlar o'tkazildi. "A" guruhida g'oliblik uchun kurashayotgan Eron va O'zbekiston terma jamoalari o'zaro kuch sinashdi. Uchrashuvda jangovar durang 2:2 hisobi qayd etildi.

Ushbu bahsda har ikki jamoa vakillari ham hujumkor o'yin namoyish etdi. Dastlab Eron terma jamoasi shiddatli hujumlar uyushtirib, o'zbekistonlik futbolchilarni shoshirib qo'ydi. Lekin terma jamoamiz futbolchilari Abduqodir Husanov, Umar Eshmurodov, Rustam Ashurmatov himoya chizig'ida ishonchli o'yin ko'rsatishdi. Darvozabon O'tkir Yusupov ham bir necha vaziyatlarda jamoani muqarrar gollaridan qutqardi. Nihoyat, o'zbek futbolchilarining 16-daqiqada uyushtirgan hujumi samara berdi. Hojimat Erkinov raqib darvozasini ish-g'ol etdi. Birinchi bo'limda ana shu hisob saqlanib qoldi.

Ikkinchi bo'limda ham O'zbekiston terma jamoasi hu-jumlarni to'xtatmadi. Maydon egalari ham hisobni tenglash-tirishga astoydil kirishdilar. Nihoyat 51-daqiqada Mehdi Taremining zarbasidan so'ng hisob 1:1 ko'rinishiga keldi. Terma jamoamizning yarim himoyachisi Abbosbek Fayzul-layev oradan 4 daqiqa o'tgach Eron darvozasiga to'p kiritdi. Shundan so'ng vakillarimiz yana bir necha vaziyatlarda hisobni oshirish imkoniyatiga ega bo'lishdi. Ammo zarbalarda aniqlik yetishmadi. Uchrashuvning 82-daqiqasida Mehdi Taremining yana omadi chopdi. O'tkir Yusupov qo'riqlayotgan darvozani aniq nishonga oldi. Hisob 2:2. O'yin yakunigacha ushbu o'zgarbadi.

Shuningdek, bu guruhda Qirg'iziston o'z maydonida Qatarni 3:1 hisobida yenggan bo'lsa, KXDR va BAA terma jamoalari bahsi 1:2 hisobida yakunlandi.

Viloyat Adliya boshqarmasi tomonidan Jizzax viloyati karate milliy federatsiyasiga 1998-yil 2-dekabrda 54-raqam bilan berilgan jamoat birlashmasi ustavi ro'yxatga olinganligi haqidagi guvohnomaning yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

"A" guruhida Eron terma jamoasi 20 ochko jamg'arib, birinchi o'rinni egallab turibdi. Ular muddatidan avval jahon chempionatiga yo'l oldi. O'zbekiston terma jamoasi 17 ochko jamg'arib, ikkinchi pog'onada bormoqda. BAA terma jamoasi 13 ochko bilan uchinchi o'ringa joylashdi. Qatar terma jamoasi 10 ochko bilan to'rtinchi pog'onani zabt etib turibdi. Qirg'iziston esa 6 ochko bilan, KXDR 2 ochko bilan so'nggi pog'onalardan joy olishdi.

O'zbekiston terma jamoasi 5-iyun kuni BAA terma jamoa-si bilan safarda o'zaro bellashadi. Guruhdagi so'nggi o'yin 10 iyunda Toshkentda o'tkaziladi. Terma jamoamiz shu kuni Qatar terma jamoasi bilan kuch sinashadi.

Yaqinda "We Global Football" nashri "JCH-2026" saralash bahslarining 8-turidan so'ng yangilangan reytingni e'lon qil-di. Unga ko'ra, O'zbekiston terma jamoasining 3-saralashda yo'llanmani qo'lga kiritishi 96 foiz deb ko'rsatiladi. O'ylaymizki, terma jamoamiz a'zolari keyingi o'yinlarni ko'tarinki ruhda o'tkazib, tarixiy g'alabalarni qo'lga kiritadi va dunyo birinchi-ligida to'p suradi.

Vasil ILYOSOV.
(“Jizzax haqiqati”)

Jizzax haqiqati
MUASSISLAR:
Xalq deputatlari viloyat
Kengashi va viloyat hokimligi

Bosh muharrir Bahodir NAZAROV

Jizzax viloyati matbuot va axborot boshqarmasidan 2018-yil 7-dekabrda 06-038 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

ISSN 2010 7730. Qog'oz bichimi A-2, hajmi 2 bosma taboq. Guvohnoma № 14-2588

QABULXONA — (72) 226-40-65.

XATLAR — (72) 226-18-10,
REKLAMA va E'LONLAR — (72) 226-18-10.

Navbatchi muharrir: V.ILYOSOV.
Gazeta operatorlari: A.NORBOYEV, D.SADIROV.
Musahhih: B.HAMIDOVA.

Tahririyat besh qog'oz hajmgacha bo'lgan qo'lyozmalarni qabul qiladi. Qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Reklama va e'lonlar matni uchun tahririyat javobgar emas.

— tijorat materiallari

Gazeta «ERUDIT» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxon manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Shartnoma bo'yicha topshirish vaqti — 17.00. Topshirildi — 16.30

Buyurtma № 174
Adadi: 9649 nusxa.
Sotuvda kelishilgan narxda.

https://t.me/jizzaxnews_press